ОҚСОҚОЛЛИККА МУНОСИБЛАР ТАНЛАНМОҚДА — 2-бет



«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ — 8-бет



ЖУМА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 217 (10.020) / 2003 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Сувмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Конституция бош Қомусимиз» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида жойлашган 156-мактабда ўтказилган «Соғлом оила — соғлом маҳалла — соғлом жамият» мавзуидаги тадбирда тумандаги Иноғом Юнусов номли маҳалла аҳли ва мазкур мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалласида истиқомат қилувчи 80 нафар туғиш ёшидаги аёлларга «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг туман таянч маскани томонидан саккиз турдаги дори-дармонлар бепул тарқатилди.

● **БУГУН** республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Болалар ва сув» мавзуидаги экофестиваль ниҳоясига етди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 2003 йил 11 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 ноябрь.

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛИШИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА:

1. **Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.**
2. **«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).
3. **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.**
4. **«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).
5. **«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).
6. **«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).
7. **«Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).
8. **«Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).
9. **«Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).
10. **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.**
11. **Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.**

* * *

*Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Тараққиёт банки президенти Тадао Чино кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди. Учрашувда ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.**

**● Мамлакатимизга ташриф буюрган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синха Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ҳамда Республика Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси «Фуқаролар йиғинларининг кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, нафақахўр ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти» мавзуида конференция ўтказди.**

**● Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида Германиянинг Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Науманн жамғармалари билан ҳамкорликда «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.**

**● Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ҳамда Бандихон туманлари пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартнома-режасини бажардилар.**

### Жаҳонда

**● Брюсселда Европа Иттифоқи Конституциясини қабул қилиш борасида ЕИга аъзо давлатлар вакиллари иштирокидаги муҳокамалар давом этмоқда.**

**● Россия Президенти Владимир Путиннинг Италияга сафари давомида ҳар иккала давлат ўртасидаги виза режимини соддалаштириш ҳақидаги келишув имзоланди.**

**● Европа комиссияси келгуси йилнинг биринчи майида Европа Иттифоқи таркибига кирмоқчи бўлган мамлакатларни ўз муаммоларини ҳал этишини талаб қилган ҳолда қаттиқ огоҳлантирди.**

**● Microsoft корпорацияси Blaster ва SoBig.F вируслари муаллифларини топганга 250 минг доллардан мукофот берилишини эълон қилди. Шуни айтиш керакки, ушбу вируслардан жаҳон бўйича компьютердан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги жабрланган.**

**● Россиянинг НТВ телеканалининг хабарига кўра, Австралиянинг Монаш университети олимлари шу пайтгача номаълум сабаблар билан кема ва самолётлар ҳалокатга учраётган Бермуд учбурчагининг сирини ниҳоят топишган. Ҳамма гап океан тубида йиғилган метан газида экан.**

**Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ҳиндистон-Марказий Осиё минтақавий конференцияси бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ҳиндистоннинг Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлил институти ҳамкорлигида ташкил этилди.**

## МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Таъкидландики, анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқаро жамоамияти томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Анжуманда Марказий Осиё давлатлари, Ҳиндистон, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой, Туркия, Россия, Эрон, Афғонистон, Сингапур каби мамлакатлар ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО, Жаҳон банки ва ЕТТБ сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан элликдан зиёд мутахассис иштирок этмоқда.

Ҳозирги замонда шаклланган геосиёсий вазият халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёдаги долзарб муаммоларга қизиқишини оширмоқда. Шу боис анжуман кун тартибидан минтақавий хавфсизликка трансмиллий таҳдид, терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби хатарларни бартараф этиш масалалари ўрин олган. ...чиликнинг замонавий кўриниши ва диний-сиёсий айирмачилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдосига қарши кураш, минтақада иқтисодий интеграция жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар жой олган.

Шунингдек, уч кунлик анжуманда халқаро хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ва у унинг Марказий Осиёдаги барқарорликка таъсири, минтақада иқтисодий ҳамкорлик, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш ва транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга оид масалаларга эътибор қаратилади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синха сўзга чиқди.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳ.Кароматов Франция Республикаси Президенти Ж.Ширакка ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Айни пайтда Ж.Ширак Ўзбекистоннинг маданий ва илмий салоҳияти умумэътироф этилганини ва у Франция халқида ва шахсан унда қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

**«Жаҳон» АА.**

• ФУТБОЛ

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

**Мавсум охири юртимиз футболчилари учун жуда муваффақиятли кечмоқда. Хусусан, куни кеча мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси Ҳиндистонда ўтказилган Афро-Осиё ўйинларида барча рақибларидан устун келган ҳолда чемпионликни қўлга киритишган бўлса, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз ҳам шаҳримизда ўтказилган Осиё чемпионатига саралаш турнирида муваффақиятли қатнашиб, финал босқичига йўлланма олишди.**

Кеча мамлакатимиз миллий терма жамоасининг Гонконг термаси билан Осиё чемпионатига саралаш мусобақаларининг дастлабки беллашувини томоша қилиш учун «Пахтакор» ўйингоҳига борар эканмиз, хаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди. Дарҳақиқат, ёшларимиз эстафетасини энди уста футболчиларимиз давом эттиришлари керак эди.

Давоми 8-бетда.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Қандай ҳолларда меҳнат низолари судларда кўрилиши мумкин?**

**Ш.Ортиқов, муҳандис.**

Меҳнат низолари Меҳнат кодексининг 269-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарларнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатида зарарни (маънавий зарарни ҳам) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб, ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Шунингдек, мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади.

* * *

**Олинган қарзни қайтариш мажбурияти қандай бўлади. Шу ҳақда билмоқчи эдим.**

**С.Олимов, талаба.**

Олинган қарз суммаси шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтарилиши шарт. Агар бу муддат шартномада белгиланмаган бўлса, унда қарз олувчи қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтарилиши керак. Фоиз тўлаш мажбурияти белгиланмаган қарз суммаси қайтариш муддатидан олдин берилиши мумкин.

Фоиз эвазига берилган қарз суммаси эса, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

* * *

**Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қандай амалга оширилади?**

**Ж.Деҳқонов, шифокор.**

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади.

* * *

**Қандли диабет касаллигига оқ ловиянинг жуда фойдали эканлиги ҳақида эшитиб қолдик. Шу тўғрида маслаҳат берсангиз.**

**Ш.Шоикромова, уй бекаси.**

Қандли диабет касаллиги безовта қилаётган беморлар учун халқ табобатида жуда оддий муолажалар мавжуд. Масалан, уч донагина оқ ловияни олиб, тун бўйи ярим стакан қайнатиб совутилган сувга солиб қўйсиз. Эрталаб ловияни еб, сувини эса ичасиз.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

**Кейинги йилларда азалий қадриятлар, боқий анъана, миллий урф-одатларимиз, таълим-тарбия ўчоғи бўлмиш маҳаллаларга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Шунингдек, маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳам тобора юксалмоқда. Мана, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ҳам бошланиш арафасида. Шу муносабат билан маҳаллаларда сайловларга катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу жамиятда яшаб келаётган ҳар бир фуқаро оқсоқол ва маслаҳатчилар сайловида қатнашиб, албатта энг муносиб номзодларни сайлашга интилади. Барчанинг бу борада ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари бор. Биз ҳам бир гуруҳ ҳамшаҳарларимизнинг бу борадаги дил сўзларини қоғозга туширдик.**

### БУГУНГИ ОҚСОҚОЛ:
# У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

**Раҳима ШОМАНСУРОВА, пенсионер, Миробод тумани:**

— Маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказиладиган сайловлар жуда адолатли бўлиши лозим. Чунки халқ сайлаган вакил эртага улар билан елкама-елка ишлаши керак. Маҳалла оқсоқоли бообрў, қаттиққўл, ташкилотчи ва халқ ғамини ейдиган фидойи инсон бўлиши, эртанги куннинг нурли орзу-умиди билан яшаётган халқимизни ўз ортидан эргаштира олиши ва бу борада биринчи навбатда ўзи ўрнак бўлмоғи лозим.

**Абдулазиз ТОШЕВ, хизматчи, Яккасарой тумани:**

— Мен шундай инсонга овоз берар эдимки, у ҳалол, виждонли, эл-юрт ҳақида қайғурувчи фидойи бўлмоғи лозим. Шундагина халқимиз ўз оқсоқолига ишонади, уни қўллаб-қувватлайди. Орамизда ҳали ҳам одамлар ҳол-аҳволидан хабар олмайдиган, ўзбилармон, ҳеч кимни менсимайдиган оқсоқолларнинг учраб туриши жуда хунук ҳол. Маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларини сайлашда шуларни ҳисобга олиб, шошилмасдан, ўйлаб иш қилмоқ керак.

**Муяссар АБДУРАЗЗОҚОВА, Тошкент Давлат юридик институти магистри:**

— Мен Шайхонтоҳур туманидаги «Хувайдо» маҳалласида яшайман. Маҳалламизда сайловга катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Маҳалла оқсоқолининг ҳар тарафлама билимдон, тадбиркор, ташкилотчи, ҳаммадан ҳам кишиларни тушуна оладиган фидойи инсон бўлиши жуда муҳим, деб ўйлайман.



Шаҳримиздаги ҳар бир маҳаллада жуда муҳим жараён — сайловлар бошланаётган экан, мен маҳалладаги энг обрўли, қарияларни иззат-ҳурмат қиладиган, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ эта оладиган инсон маҳалла раиси — яъни отаси бўлишини жуда-жуда истар эдим.

**Нажмиддин ҒУЛОМОВ, кекса педагог, Халқ маорифи аълочиси:**

— Халқимизнинг ушбу сайловларда фаол қатнашиши шубҳасиздир. Чунки маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларини сайлаш жўн иш эмас. Ахир бугун халқ назарида бўлган инсонлар эртага улар ишончини оқлашлари, яхши-ёмон кунларда қаттиққўллик, тадбиркорлик билан одилона ҳукм чиқаришлари, ҳар қандай мушкул вазиятни тўғри баҳолай олишлари лозим бўлади. Шунинг учун ҳам маҳалладаги халқ ўртасида катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган, билимли, кенг тафаккурли, кўмакка муҳтож инсонларга муҳаббатли, моддий ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмаган тақдирда ҳам самимийлик, ширин забон билан мадад берувчи инсонлар оқсоқолликка сайланишлари лозим, деб ўйлайман. Уларнинг маслаҳатчилари ҳам рисоладаги инсонлар, яъни бугунги кун талабини тўғри тушуна оладиган, холис маслаҳат беришни биладиган, одамларнинг оғир-енгил кунида уларга қайишадиган инсонлар бўлиши керак. Шундагина мамлакатимиздаги энг ноёб тизим ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар тинч, осуда, обод ва ораста маскан сифатида гуллаб-яшнайди, янада ривож топади.

**Умида ХАЛИЛОВА, Тошкент банк коллежи талабаси:**

— Пойтахт шаҳримизнинг кундан кунга чирой очиб бораётгани кўнглимизда фахр туйғуларини уйғотади. Маҳаллалар ҳам шунга яраша гўзал ва обод бўлиб бориши керак. Мен ҳали ёш бўлсамда маҳалла оқсоқоли ким бўлиши керак деган саволга жавоб беришни жуда хоҳлайман. Фикримча, маҳалла оқсоқоли ёш, олий маълумотли бўлиши керак. Ахир XXI аср маҳалласи замонага муносиб, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган бўлиши керак-ку. Ёш, ғайратли оқсоқол эса жамиятда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларни тезроқ илғай олади ва атрофдагиларни ҳам шу йўлга бошлай олади.

**Шоҳида МАҲМУДОВА ёзиб олди.**

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

**Маҳалла деганда аввало кўз олдимизда тинч, осойишта, одамлари жипслашган, тўю маъракани ҳамкорликда, бир жону бир тан бўлиб ўтказадиган, кекса-ёшга суянчиқ бўла оладиган файзли гўша жонланади. Куни кеча шундай файзли гўшалардан бири — Акмал Икромов туманидаги Аброр Ҳидоятов номидаги маҳаллада сайлов бўлиб ўтди.**

Унда шаҳримиз туманларидан ташриф буюрган ишчи гуруҳлари аъзолари, хотин-қизлар комиссияларининг раисалари, қўшни маҳаллалар фаоллари ва фуқаролари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирок этди. Ўринли таклиф ва истаклар баён этилган, ютуқ ва камчиликлар кўрсата олинган сайлов очиқ мулоқот тарзида ўтди.

Дастлаб Аброр Ҳидоятов маҳалласи оқсоқоли Марат Ғуломов фуқаролар йиғини томонидан икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботни ўқиб эшиттирди.

Хусусан ҳисоботдан маҳалланинг ўтган давр мобайнида эришган катта-кичик ютуқлари, фуқароларнинг меҳр-оқибати, тинчлиги, жиноятларга йўл қўймаслик, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси, ёшлар тарбияси, пенсионерлар, ногирон ва барча маҳалла аҳлларининг тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек маҳалладаги мавжуд ҳар бир йўналишдаги комиссиялар ўз иш режаларига кўра фаолият олиб борганлиги ойдинлашди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Маҳаллада амалга оширилаётган ибратли ишлар, маҳалла аҳли фаровонлиги йўлидаги эзгу юмушлар қаторида камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги ҳақида холис баҳолар берилди.

Ҳисоботдан сўнг сўз олган маҳалла фаоли Файзулла Йўлдошев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси Худойберди Тўхтабоев, Тошкент Давлат юридик институти доценти, маҳалла ишчи гуруҳи комиссиясининг раиси Зоҳур Ғофуров, маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раисаси Раънохон Дадахўжаевалар маҳалла оқсоқоли ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан қониқиш ҳосил қилганлари ва кўпчилик овоз билан улар фаолиятини ижобий баҳолаганлари ҳақида фикр билдирдилар. Шунингдек, тадбирда иштирок этган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Рихситилла Акромов ҳам сўз олиб, сайловнинг аҳамияти нималардан иборат эканлиги, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳияти хусусида тўхталиб, бугунги оқсоқол халқ дарди билан яшайдиган, фидойи, ташкилотчи, ижтимоий-сиёсий соҳада билимдон, тадбиркор, фуқароларнинг оғир-енгил кунида елкадош бўла оладиган, хулоса қилиб айтганда элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсон бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг муҳокамага қўйилган масала юзасидан очиқ овоз бериш йўли, аҳоли хоҳиш-иродаси билан Марат Ғуломов маҳалла оқсоқоли вазифасига қайта сайланди.

Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчилари ҳам худди шу усулда сайландилар.

Маҳалла аҳли ишончи ва эътиборига сазовор бўлиб, оқсоқоллик вазифасига яна бир бор сайланган Марат Ғуломов маҳалладошларига ўзининг янги иш режалари ҳақида ҳисобот берди.

Биз ниҳоятда қизғин ўтган сайловда иштироқ этган айрим маҳалла фуқароларини суҳбатга тортдик.

**Аъзам қори СИРОЖИДДИНОВ, маҳалланинг кекса табаррук отахони:**

— Ишбилармон, ташкилотчи оқсоқолнинг қайта сайланганни жуда тўғри бўлди. Маҳалламизнинг кундан-кунга нуфузи ошиб боришида оқсоқолнинг хизмати катта. Халқ ишонч билдирдими, демак буни меҳнат билан оқлаш керак. Оқсоқолимиз албатта келгусида ҳам ишончимизни оқлайди деб ўйлайман.

**Ёдгор ота ИСОМИДДИНОВ, маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси:**

— Маҳалла оқсоқолининг тиниб-тинчимас, меҳнаткаш инсон бўлгани фуқаролар учун катта бахт. Чунки маҳалланг тинч, обод, ораста бўлса яхши-да. Марат Ғуломовнинг қайта сайланиши жуда тўғри бўлди, ишчан раҳбарнинг қаттиққўллик, ишбилармонлик билан иш олиб бориши маҳалла ва элу юрт ободлигига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

**Муҳаррам БОЙМУҲАМЕДОВА, маҳалла фуқаролар йиғини котибаси:**

— 30 йилдан бери маҳаллада ишлайман. Йилдан-йилга, кундан-кунга маҳаллага бўлган эътиборнинг ошиб бориши биздан ҳам ишга янгича ёндашишни, давр билан баравар қадам ташлашни, бугунги кун талабини тўғри тушуниб иш олиб боришимизни талаб қилмоқда. Маҳалла аҳли яна қайтадан котиба лавозимига сайлаган экан, имконим борича уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиб, иш олиб бораман. Ҳар соҳада билимдон раҳбар билан ишлаш ҳам кишига куч-қувват, янгиликка интилиш, меҳнатсеварлик, эл дарди билан яшаш каби хислатларни юқтирар экан. Ўйлайманки, қатнашчилар бугунги сайловдан кўнгли тўлиб, эртанги кунга катта ишонч билан қайтди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Шуҳрат 9-синфни битирди-ю ўқимайманга тушиб қолди. Онаси эса ўғлининг бу қилиғидан ташвишга туша бошлади. Неча марта насиҳат ҳам қилди, қаттиқ гапириб ҳам кўрди, бари бефойда. Шуҳрат онасига бепарволик билан ўқимаслигини, яхши иш топиб ишлашини айтди. Кўнгли ниманидир сезган она ўғлига гап уқмаслигини билиб индамай қўя қолди. Онанинг ташвишланиши бежиз эмас, ҳақиқатан ҳам Шуҳрат безори болаларга қўшилиб қолган эди. Бир ой ишлайдиган пулини 1 кунда топишни ўргатмоқчи бўлган «дўст»лари ҳали ҳеч нарсага тушунмайдиган гўл болани ўзларининг сафларига қўшмоқчи эдилар. Кунларнинг бир тунида ҳали ун гулидан бир гули очилмаган ёш йигитча биринчи бор нопок ва ҳаром йўлга қадам қўйди...

У Миробод даҳасида жойлашган маҳаллаларнинг биридаги хонадонга калит танлаш йўли билан тунда, ҳамма ширин уйқуда ухлаб ётганида кирди. Кириши билан хаёлига дарров ишни нимадан бошласам, деган фикр келди. Шуҳрат залда турган «ДЭУ» телевизори ва «Панасоник» телефаксларини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Тажрибасизлиги учунми, хуллас бир нимани тушириб юбориб уйдагиларни уйғотиб юборди. Шунда Шуҳрат 2 та нарсани кўтарганича қочиб кетди. Шу пайт хонадондагилар ўйлаб ҳам ўтирмай милиция ходимларига қўнғироқ қилдилар. Шуҳрат анча жойга борганда изидан тезкор гуруҳ тушганини пайқади. Жиноятга жазо муқаррар деганларидек, қилган ишига пушаймон бўлса-да, энди қилмишига яраша жавоб бериши муқаррар.

● Ишсиз юрганларга ҳам пул керак, яшаш керак. Қандай бўлмасин ҳаёт кечириш керак. Т.Абдулла ва Б.Йўлдошлар ана шундай кимсалардан эди. Улар кетаётиб Маҳзуний кўчасида, Р.Мавляновнинг уйи орқасида турган 360.000 сўмлик бир бош қора молни кўриб қолишди. Албатта ғараз ниятларини амалга ошириб қорамолни ўғирлаб кетишди. Уларнинг хурсандлиги узоққа чўзилмади. Жиноятчилар мол бозорида қўлга тушдилар. Мол эгасига қайтарилди.

● Ҳадисларда «Энг аввало қўшнига яхшилик қил, кейин эса бошқага» деган ибратли сўзлар бор. Лекин А.Валерий буни қаердан билсин. У ўз қўшнисининг уйига калит танлаш йўли билан кириб 250 АҚШ доллари ва 21.100 сўм пулини ўғирлаб кетади. Уй эгаси М.Акчурин ишдан келиб қараса эшик очиқ ва пуллар ҳам йўқ. У дарҳол «02» га қўнғироқ қилди. Тез орада жиноятчи қўлга олинди. Бу дунёда қўшнинг ҳам инсофли бўлсин экан.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида Феруза УМРЗОҚОВА ва Сарвар СОБИРОВлар тайёрладилар.**

## ИНТЕГРАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Соғлиқнис ақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси — илмий тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий омили» мавзуидаги илмий-амалий семинар-кўргазма ташкил этилди.**

Икки кун давом этадиган мазкур тадбирда фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасида узвийликни таъминлаш ва илмий-тадқиқот ишлари савиясини оширишга оид маърузалар тингланди.

Мамлакатимиз илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотларнинг стратегик вазифа ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар даражаси, сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига биноан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузурида Фан ва технологиялар маркази ва йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши ташкил этилди.

Илмий-тадқиқот ҳамда технологик ишланмаларни ташкил қилиш ва молиялаштиришнинг грант тизимини яратиш ва изланишлар савиясини жаҳон талаблари даражасига кўтариш вазифаси белгилаб берилди.

Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги ўтказилиб, унда Тошкент, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд шаҳарларидаги 38 илмий муассасада давлат грантлари асосида олиб борилаётган 486 илмий лойиҳанинг бажарилиши ўрганилди.

**ЎзА.**

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## КУЗ ХАЗОНРЕЗГИ ФАСЛИ

Ҳар фаслнинг ўзига хос хислати-ю фазилати бор. Куз ҳам бундан мустасно эмас. Унинг асосий хусусияти шундаки, бу фаслда дарахтлардаги мевалар олтиндек тобланиб, пахтадан тортиб барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларигача етилиб пишади. Куз йиғим-терим фасли бўлгани билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Бу фасл ўз фазилатлари билангина эмас, балки ўзига хос ташвишлари билан ҳам одамларни шошириб қўяди. Хусусан, бу даврда қиш тайёргарлиги бошланади. Тилларанг япроқлар ерни қоплайди.

Шундай дамларда куз ҳавосидан тўйиб нафас олиб шаҳар кезганга нима етсин. Шу ниятда йўлга отландик. Автобусда бораётиб теварак-атрофда рўй бераётган куз мўъжизаларини кузатдик. Фаррошларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар пешма-пеш дарахтлардан тўкилган хазонларни супириб-сидиришади. Баъзи жойларда, йўл чеккаларида тутаб ёнаётган хазонларга ҳам ондасонда бўлсада кўзимиз тушади. Унинг аччиқ ҳиди ва тутунидан шу атрофдан ўтиб бораётган йўловчилар безовта. Бундай ҳол ҳар қандай кишининг кайфиятини бузади, албатта. Шу сабабми ёки кўпчиликнинг дилида анчадан бери сақланиб қолган гапми, ишқилиб бирдан суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди.

— Ҳар йили хазонларни ёқмаслик ҳақида гапирилади. Лекин барибир кўпчилик бунга амал қилмайди, — дейди йўловчилардан бири катта йўлнинг бир қисмида тутаб ёнаётган хазонларга ишора қилиб.

— Шундай ўзбошимчалик туфайли азият чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Тунов куни қўшнимиз ҳовлисида тўпланиб қолган хазонларни ёқиб юборган экан, шамол туриб ёнган хазонларни учириб, томига уюб қўйилган хашакка урибди. Қўшни тушмагур бундан бехабар бемалол уйида телевизор кўриб ўтираверибди. Бир вақт қараса уйнинг томи ёнаётган эмиш. Ёрдамга одамларни чақирибди. То кўпчилик тўпланиб ўт ўчирувчилар келгунча аланга бутун уйни қоплабди. Хуллас бечора анча жабр кўрди, — деди суҳбатга қўшилиб орқа ўриндиқда ўтирган ўрта ёшлардаги киши.

— Ҳозир аксари оилалар хазонлардан қутулишнинг осон йўлини топиб олишган. Улар ҳар кунги тўпланган хазонларни ёқиб юборишни маъқул кўришади, — дейди олдинги ўриндиқда ўтирган нуроний отахон. — Аслида улар бу қилмишлари билан атроф-муҳитга зиён-захмат етказаётганларини билишмайди. Қадимда хазонлардан фақат ўғит сифатида фойдаланиларди. Ҳар бир хонадонда хазонни тўплаш учун махсус ўралар бўларди. Уларга супуриб туширилган хазон, хас-хашаклар қиши билан чириб эрта баҳорда тайёр ўғитга айланарди. Ҳозир негадир шу фойдали усул биздан тобора узоқлашиб боряпти.

— Хонадонлар ўз йўлига. Лекин гавжум кўчалар ва хиёбонларда ўқтин-ўқтин ёниб тутаётган хазонлар кишининг ғашини келтиради. Ахир уларни олиб кетадиган махсус машиналар бор. Лекин шунга қарамай, баъзи фаррошлар улардан тезроқ қутулиш чораларини излашади, — дейди яна биров.

— Ҳатто неча йиллик дарахтлар тагига тўпланиб қолган хазонларни йўқ қилиш учун дарахтга зиён-захмат етишини ўйламай ёқиб юборишади-я.

Шу куни сафаримиз давомида Уста Ширин кўчаси, Қорақамиш даҳаларида ҳам бўлдик. Бу ерда ҳам тўпланган хазонларни ҳеч бир иккиланмай ёқиб юборилаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ахир она табиат яратган неъматлар, мўъжизалар орасида ҳеч бир ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Олимларимиз ҳатто чиқиндилардан ҳам турли воситаларда фойдаланиш йўлларини излаб топишган. Хазонлардан қандай фойдаланиш мумкин, деган саволни улар ҳукмига ҳавола этиб, ҳозирча биз хазонларни бекорга нест-нобуд қилмай ота-боболаримиз қўллаган усул, ҳеч бўлмаса улардан ўғит тайёрлашда фойдаланиб турсак яхши бўларди.

## АСАБГА СЎЗ БЕРМАНГ, ОДАМЛАР

Бу асаббузарликка арзимаган туртки сабаб бўлди. Навбатдаги бекатдан автобусга чиққан йигит тиқилинчда олдинга ўтмоқчи бўлиб ҳаракат қилганида тирсаги билан ёнидаги таниш жувонни туртиб юборди. Бор гап шу. Афсуски, шу ҳолат бир автобус йўловчиларининг асабини бузишига сабаб бўлди.

— Кўз борми ўзи? — ўшқирди жувон йигитга.

— Кечирасиз опа, тиқилинчда билмай тегиб кетдим.

— Тиқилинч экан деб босиб-янчиб кетаверадими? Кўр бўлса ҳам кўзни очиб юриш керак-да одам.

— Атайлаб қилганим йўқ. Узр сўрадим-ку ахир, опажон.

— Қилар ишни қилиб яна узр сўрадим дейсан-а, узрингни ўзинг пишириб е.

— Бўлди опа. Нима бало бугун поччам билан уришиб чап ёнингиз билан турганмисиз дейман, — вазиятни юмшатиш учун кулгига олди йигит.

— Бир камим эрим билан ётганим, қайси томоним билан турганимни айтишим қолувди сен сўтакка.

— Оғзим бор деб гапираверманг опа, асабийлашди йигит ҳам.

— Қизим, сиз бир гапдан қола қолинг, — муросага чақирди ўриндиқда ўтирган аёл.

— Сизнинг нима ишингиз бор? Мошхўрдага қатиқ бўлмай индамай ўтираверсангиз-чи жойингизда.

— Вой мен гапирмай қолай. Тавба қилдим, қизим, билганингизни қилинг-а, — сўз қотганига пушаймон бўлди аёл.

— Ҳой қизим, инсоф борми ўзи. Арзимаган гапга нима қиласиз бутун автобусни оёққа кўтариб, — деди нарироқда турган киши.

— Ёпишларинг-а, ёпишларинг, айбдор у ёқда қолиб мен бегуноҳга осиласанлар ҳамманг. Шунинг учун ёшлар бетартиб бўлиб кетяпти-да.

— Ҳеч бўлмаса отангиз тенги одамни ҳурмат қилинг. Қилдан фил ясаб сансираманг.

Яна кимлар гапирди, нималар деди билмайман. Лекин бу нохуш ҳолат, бир автобус одамнинг асабини бузди.

Бекатда автобусдан тушдим, ўйланиб қолдим. Очиғи бу асаббузарлик менга ҳам ўз ҳукмини ўтказиб улгурган эди. Шу топда замонамизнинг забардаст шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисралари беихтиёр ёдимга тушди.

**Асабга сўз берманг, одамлар,**
**Ғазабга йўл берманг, одамлар.**
**Умр-ку шунчалар қисқадир,**
**Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр.**
**Асабга сўз берманг, одамлар,**
**Азобга йўл берманг, одамлар.**

Назаримизда изоҳга ҳожат йўқ.

## ИНСОФНИ УНУТМАНГ

Ҳаёт бор экан, инсон доимо шошқинча. Хотиржам юрган ҳолатинг камдан-кам бўлади. Хоҳ йўлда, хоҳ уйда бўлсин худди бирор зарур юмушинг қолиб кетаётгандек шошилиб турасан. Боз устига шунақа пайтларда қилмоқчи бўлган юмушингни тезроқ битказиш пайида ҳамёнинг кўтарса-кўтармаса машина тўхтатиб борар манзилингга тезроқ етишни кўзлайсан. Лекин афсуски, «хизмат ҳақи» сен кутганингдан қиммат.

Яқинда ўзимиз ҳам шундай ҳолатни бошдан кечирдик. Зарур юмуш билан Қўйлиқ чиқиб енгил машинага ўтирмоқчи бўлдик. Бекатда турнақатор машиналар йўловчилар хизматига шай турибди.

— Келинг, отахон, қаерга борасиз? — дейди навбатда турган ҳайдовчи.

— Қўйлиққа бормоқчи эдим.

— Ўтиринг, олиб бориб қўяман.

— Олдин йўл ҳақини келишиб олайлик.

— Йўл ҳақи стандарт-да. 3 минг сўм берасиз.

— Жуда қиммат-ку.

— Бориб-келиш бензин пулини қоплаши керак-да, отахон.

Нари кетдик. Лекин қанча сўраб-суриштирмайлик қатор турган машина ҳайдовчиларининг оғзидан бир баҳони эшитдик. Тавба, дейман ўзимга ўзим, енгил машиналарнинг кира ҳақи ҳам худди сабзавот маҳсулоти сотиладиган бозордагидек бир хил нархда бўлиб кетибди-да.

Хайрият, ҳайдовчилар орасида инсофлиси ҳам топилди. 2,5 минг сўмга манзилимизга элтиб қўядиган бўлди.

— Лекин айтиб қўяй, Қўйлиқ бозоридан бир қадам ҳам нари юрмайман, — деди у ҳам олдиндан шарт қўйиб.

Рози бўлдик. Машинага уч нотаниш кишилар ўтирди. Улар келишилган пулни тўлаб йўл-йўлакай тушиб қолишди. Мен эса хаёлга бериламан. Яқинда Наманганнинг Косонсой туманига худди шунақа енгил машинада бориш учун ҳайдовчига 5 минг сўм тўлагандим. Ахир Косонсой қайдаю, Юнусобод билан Қўйлиқ бозори оралиғи қайда. Тўғри, ҳозир ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълум. Лекин нима бўлганда ҳам инсофни унутмаган яхши-да.

*Билиб қўйган яхши*

## КАШНИЧ УРУҒЛИ ЧОЙ

Кашнич уруғлари (меваси)-дан 1 чой қошиқ олиб ярим литрлик чойнакка солинади-да, енгил аланга устида 5 дақиқа қайнатилади ва унга 1 чой қошиқ қорачой ташланиб тафти билан совутилади, яъни хона ҳароратига тенглаштирилади. Сўнгра бирорта мато воситасида сузиб олиниб истеъмол этилади. Мазкур дамлама хафақон ва атеросклероз касалликларини даволашда, изтиробли йўтални қолдиришда, гижжа ҳайдашда тавсия этилиши мумкин. Шунингдек кашничли чойдан балғам кўчирувчи, бавосилга қарши, ўт ҳайдовчи, овқатни яхши ҳазм бўлишини таъминловчи, қайт этишни тезлаштирувчи, оғиздаги нохуш исларни кетказувчи омил сифатида ҳам фойдаланилади. Кашничли чой тутқанокда, қуёнчикда ҳам маълум даражада фойда беради.

## ТУХУМ БАРАК

Бу таомни хоразмлик, самарқандлик, бухоролик пазанда аёллар тансиқ таом сифатида дастурхонга тортишларига гувоҳ бўлдик. Маъқул бўлса сиз ҳам бир тайёрлаб кўринг-чи.

Намокобли сувда қаттиқроқ қилиб, бир зувалага мослаб хамир қиласиз. Уни тиндириб, қозонга сув солиб, қайнатасиз-да, тузини меъёрига келтирасиз. 0.5 литр сутга 4 та тухум, бир чўмич ёғ аралаштириб хамирни истасангиз чучварага ёйгандек ёйиб, 6-10 ё 8-12 сантиметр катталикда кесиб, бир чой қошиқ сиғадиган жой қолдириб, атрофини маҳкамлайсиз. Очиқ қолдирган жойингиздан тайёрланган масаллиғингизни солиб, хамирни зичлаб ёпасиз-да, қайнатган сувда пишириб оласиз. Тухум бараклар пишгач, уларни ёғлаб устига мурч, кўк сепиб дастурхонга тортасиз.

## ПЎЧОҒИ ҲАМ ДАВО

Цитрус ўсимликларнинг пўстлоғини ташлаб юборишга ошиқаверманг. Улар бугунги қишли-қировли дамларда бир кунингизга яраб қолиши эҳтимоли бор. Улар енгил, юқори нафас олиш йўллари шамоллаганда инголяция вазифасини ўтайди. Бунда битта апельсин ёки мандарин пўчоғи ишлатилади. Қайнаган сувга пўчоқларни солишда 2 дақиқалар чамаси паст оловга қўйиб туринг. Инголяциянинг бошингизга сочиқ ёпиб, қопқоқни очиб, қайнатма буғидан эҳтиётлик билан амалга оширасиз. Бу ҳолатни 10 дақиқадан бир кунда бир неча бор, ҳар гал янги пўчоқларни солиб такрорлайсиз. Цитрус ўсимликларининг пўстлоғида бактерияларни йўқ қилувчи хусусият бор.

Болани ичи кетаяпти. Уйда аксига олиб унга даво бўладиган дори-дармон йўқ. Нима қилиш керак? Битта бош анорни пўстини шилиб, чайиб ташлайсиз-да, сувда қайнатасиз. Қайнаб чиққан сувни тиндириб, оз миқдорда болага ичирасиз.



Халқимизда ҳунарлининг қўли гул деган ибратли нақл бежизга айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам ҳунарли одам хор бўлмайди. Шаҳримизнинг Аҳмаджон Назаров маҳалласида истиқомат қилувчи Собир ака Қосимов ана шундай қўли гул ҳунармандлардандир. Унинг моҳирлик билан тайёрлаган жонга дармон новвотларини эл севиб истеъмол қилади.

**СУРАТДА: хунарманд Собир Қосимов новвотнинг тайёрланиши ҳақида тушунтириш бермокда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ТАБИИЙ ЗАҲИРАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигида сув ва газ ўлчовини янги халқаро стандартлар асосида юритиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

Ўзбекистон табиий заҳираларга бой давлатлардан саналади. Хусусан, электроэнергия, газ ва шу каби табиий заҳиралар етарли миқдорда. Лекин гап шу бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишда. Ҳозирги замонда табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда турли мосламалар, қурилмалар мавжуд. Йиллар ўтиб эса бу техник жиҳозларни янада такомиллаштириш зарур.

— Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигида ўтказилган семинарда асосий эътибор юқоридаги масалага қаратилди. Унда Ўзтрансгаз, Ўзбекэнерго давлат акциядорлик жамиятлари ва шу соҳага дахлдор бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Агентлик мутасаддиларининг берган маълумотларига қараганда, 1992 йил МДҲ мамлакатлари ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини мувофиқлаштириш кенгаши тузилган эди. Семинар аввалида кенгаш фаолияти хусусида ҳам маълумотлар берилди. Суюқлик ва газ сарфини тўғри ўлчаш, завод ва фабрикаларга ҳисоблагичлар ўрнатиш каби масалалар муҳокама қилинди. Семинар давомида ўлчаш қурилмаларини метрологик аттестациялаш ҳамда ўлчаш мосламаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилувчи кадрларни қайта тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Анжуманда корхона ва хонадонларнинг электр энергияси ҳамда газ ўлчаш асбоблари билан тўлиқ таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

**"Туркистон-пресс"**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*10-16 ноябрь*

**Қўй** (21 март — 20 апрель) — Энди сизнинг орзуларингиз рўёбга чиқадиган вақт келди. Муҳаббат бобида омадингиз юришади. Олдингизга қўйган мақсадингизга эришишга интилинг ва курашинг.

**Бузоқ** (21 апрель — 20 май) — Ҳафтангиз турли хил янгиликларга бой бўлади. Хизмат жойингизда эса ишларингиз бирмунча оғир кечади. Келишмовчиликларга бефарқ бўлманг.

**Эгизаклар** (21 май — 21 июнь) — Ҳафта мобайнида дўстларингиз билан эски алоқалар тикланади. Улар билан янги иш бошлашга ошиқманг. Молиявий аҳволингиз сиз ўйлаганчалик яхши эмас.

**Қисқичбақа** ( 22 июнь — 22 июль) — Ушбу ҳафта ҳужжатлар билан боғлиқ ишларингиз ниҳоясига етади. Руҳингизни туширманг, ҳаммаси сизнинг фойдангизга ҳал бўлади.

**Арслон** (23 июль — 23 август) — Тадбиркорлик соҳасида баъзи тўсиқларга учрашингиз мумкин. Ҳафта охирида эса қўлингизга мўмай даромад келади. Уни ақл билан ишлатинг.

**Паризод** (24 август — 23 сентябрь) — Бу ҳафта соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг. Ишхонада шошилмасдан ўз ишингизни сифатли бажаришга киришинг. Куч-қувватингизни керакли нарсаларга сарф этинг.

**Тарозу** (24 сентябрь — 23 октябрь) — Ҳафта ўрталарида дилингизда уйғонган хоҳиш-истакларингиз кутилмаганда ўзгариб қолади. Ўйлаб юрган режаларингиз амалга ошмаслиги мумкин. Барибир яхши ниятлар учун курашиш зарур.

**Чаён** (24 октябрь— 22 ноябрь) — Ҳафта шуниси билан яхшики, ҳамкорларингиз сизни моддий қўллаб-қувватлайдилар. Ишларингиз юришиб кетади. Фақат соғлиғингиз безовта қилиши мумкин.

**Ўқотар** (23 ноябрь — 21 декабрь) — Фақат менинг айтганим бўлади, деган фикрингиз оилангизда бирмунча келишмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлади. Ўйлаб гапириш ва босиқлик, вазминлик яхшиликка етаклайди.

**Тоғ эчкиси** (22 декабрь — 20 январь) — Агар белгиланган ишларингизни бажариб улгурсангиз, омад сизники. Ҳар бир ишингиз силлиқ ва осон битади. Дўстларингиз мададига суянинг.

**Қовға** (21 январь — 19 февраль) — Бу ҳафта сиз учун қизиқарли учрашувлар ва мулоқотларга бой бўлади. Кутилмаган дўстлар орттирасиз. Ҳафта ўрталарида молиявий томондан етишмовчилик сизни ташвишга солади.

**Балиқ** (20 февраль — 20 март) — Ушбу ҳафта бироз кўнгилсиз бошланса-да, лекин бошлаган ишларингиз самараси яхши кечади. Ишда ўзингиз кутган янгилик ва ўзгаришлар юз беради. Ойлигингиз ошади.

*Анжуманлар*

## ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси анжуманлар залида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Олимпия бирдамлиги ва халқаро велосипедчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Халқаро тоифада юқори малакали велосипедчиларни тайёрлаш» мавзуида велоспорт бўйича ўзбекистонлик мураббий ва мутахассисларнинг ўқув-амалий семинари бўлиб ўтмоқда.**

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров тадбирни кириш сўзи билан очиб, велоспортни кенг тарғиб қилиш, ёшларни ушбу спорт турига жалб этиш ва велоспорт ривожини республикада тўғри йўлга қўйиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош директори Игорь Барабан бугунги кунда велоспортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди. Юртимизга илк бор ташриф буюрган Халқаро велосипедчилар уюшмаси эксперти, жаҳон чемпионатларининг ўн бир бор қатнашчиси, шоссе йўналиши бўйича икки маротаба Канада чемпиони, бир неча бор трек йўналиши бўйича Канада чемпиони, профессионал спортчи Рон Хейман семинарда «Олимпия бирдамлиги тақдимоти, Халқаро велосипедчилар уюшмаси, Халқаро олимпия қўмитаси» мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистон велосипед федерациясининг бош котиби Юрий Абрамов эса «Ўзбекистонда велоспорт ривожидаги долзарб масалалар» мавзусига тўхталиб ўтди.

Мазкур ўқув-амалий семинар бугун ўз ниҳоясига етади.

**Соҳиба УМАРОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2003 йил 31 октябрдан «Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки 2003 йил 31 октябрдан

ЕВРО ЦИРК

НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКИДАГИ ЕВРО ЦИРК

Супер шоуси қуйидаги томошаларни кўрсатади:

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР

Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида

ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ

Ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ каруселии айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, кучуклар

ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР

аттракциони

кулги қироллари

«СЭМ» масхарабозлар гуруҳи

Директор, бадиий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

Томошалар: иш кунлари соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.
Ҳар турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

«Тошкент оқшоми»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлар...

### ЁШЛИК ҲАҚИДА

● Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо туҳфа инъом этади, бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу умидга тўла ўспиринликдир.

● Ёшлик, бу — орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — лирика ва романтика. Бу — келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланиши.

Бир донишманд шундай дейди:

— Агар ёшлик орзуи бўлмаганда инсон ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди, кўпгина улуғ соялар хаёлпараст ёшликнинг беғубор палагида ниш урган.

Байт:

**Олов пайтинг,**
**чақмоқ дамларинг,**
**Ёдингда тут, унутма зинҳор.**

Болалар! Ота-онани ёшликдан ҳурмат қилиш, улар олдида адаб билан туриб, хизматларини бажариш ҳар бирингизнинг вазифангиздир. Ота-оналарингизни ранжитадиган сўзлар айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган ишдан доимо сақланинг.

● Ёшлик инсон ҳаётининг сўнгги йиллари учун уруғ қадаладиган баҳор палласидир.

● Ёшлик пайтида шундай улуғ фикрлар туғиладики, бу фикрлар келажакда инсонни кўкларга кўтариши лозим.

Луқмони ҳакимдан:

— Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Луқмони ҳаким шундай жавоб берди:

— Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, баъзи насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

● О, ёшлик, ёшлик! Эҳтимол, бутун латофатинг сири ҳамма нарсани уддалаш имкониятига эга эканлигингда эмас, балки ҳамма нарсани уддалайман, деб ўйлаш имкониятига эга бўлганлигингдадир.

● Айниқса ғайри-табиий нарсаларга иштиёқ кучли бўлган ёшлик палласида киши жасоратга интилади, қалби доимо ҳаммага ва ҳамма нарсага очиқ бўлади.

● Ёшлик ҳамиша фидойиликдир.

● Бир донишманд шундай дейди:

— Ёшлик кишига бир марта берилади, ҳар бир одам ёшлигида бошқа ёшдагига нисбатан барча юксак ва порлоқ нарсаларга яқинроқ бўлади. Қариган чоғида ҳам қалб меҳри ва ҳароратини сўндирмай ёшлигини сақлаб қолган одам бахтиёрдир.

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ



Давоми. Боши 1-бетда.

Куни билан ёмғир шивалаб туришига қарамай стадионга энг содиқ мухлислар ташриф буюришди. Узоқ вақтдан буён жамланмаган терма жамоамиз майдонга қуйидаги таркибда тушди: И.Нестеров, А.Фёдоров, А.Акопянц, С.Жепаров, А.Солиев, В.Шишелов, В.Кирьян, А.Хвостунов, Т.Копадзе, Н.Ширшов, А.Алиқулов. Ишқибозлар узоқ танаффусдан сўнг жамоамиз таркибида маҳоратли легионерларимиз — А.Фёдоров, А.Акопянц, А.Хвостунов, Н.Ширшовларни кўриб, чиройли ўйинларидан баҳраманд бўлишди.



Рақибларимиз — Гонконг термаси ҳақида шуни айтиш мумкинки, ушбу мамлакат футбол федерацияси 1914 йилда ташкил топган, 1954 йилдан буён Осиё футбол конфедерацияси ва ФИФАга аъзо. Унинг муваффақиятлари қаторига 1956 йили илк бор ўтказилган Осиё чемпионатида учинчи ўринни эгаллаганлиги ва келаси йили Мердека Кубоги соҳиби бўлганлигини киритиш мумкин.

Шундай қилиб беллашувни футболчиларимиз ҳужумкор руҳда бошлашди. Дастлабки дақиқадаёқ Андрей Акопянц рақиблар дарвозабонини доғда қолдирган ҳолда ҳисобни очди. 17-дақиқада эса дарвоза тўсинига тегиб қайтган тўпни Владимир Шишелов ҳимоячилар халал бераётганига қарамасдан дарвозага аниқ йўллаган ҳолда ҳисобни оширди. Орадан ўн бир дақиқа ўтганидан сўнг энг фаол футболчиларимиздан бири Анвар Солиев Шишеловдан тўпни қабул қилган ҳолда икки ҳимоячи қуршовида эканлигига қарамай учинчи голни киритишга муваффақ бўлди. Афтидан, ўйинда жуда йирик ҳисоб юзага келадигандек эди. Бироқ, Гонконг футболчилари ўзларини қўлга олишди. Ҳимояда аниқ ўйнаб, хавфли ҳужумлар ҳам уюштира бошлашди. 45-дақиқада эса чап қанотдан чиқарилган бурчак тўпидан унумли фойдаланган Лав Чунг Бонг жавоб тўпини киритди ва биринчи бўлим 3:1 ҳисоби билан тугади.

Иккинчи бўлимда А.Гейнрих ва Л.Кошелевларнинг майдонга тушишидан ишқибозлар катта умид боғлашди. Бироқ Владимир Шишелов ҳимоячи хатосидан фойдаланиб фақат битта тўп киритишга муваффақ бўлди.

Шу тариқа қизиқарли ва ҳужумкор беллашув 4:1 ҳисобида ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди. Икки тўпни киритиб, яна бир гол урилишига кўмак берган Владимир Шишелевни эса учрашувнинг ҳақиқий қаҳрамони бўлди, десак адашмаймиз.

«Жар» стадионида ўтказилган Тожикистон ва Таиланд терма жамоалари ўртасидаги ўйин Раҳматулла Фузайловнинг охирги дақиқада киритган тўпи орқали тожикистонликлар ғалабаси билан тугади.

Худди шу жамоалар 17-21 ноябрь кунлари Таиландда ҳам яна бир бор ўзаро учрашувлар ўтказадилар. Унинг натижаларига кўра икки ғолиб терма жамоа келаси йили Хитойда ўтказиладиган XIII Осиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўйлаймизки, футболчиларимизнинг учинчи бор Осиё чемпионатининг финал босқичида қатнашишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Қуйида эса саралаш турнирининг кейинги ўйинлари қачон ва қайси стадионда ўтказилиши билан ишқибозларни таништириб ўтамиз.

**8 ноябрь**

**Гонконг — Тожикистон.**
**«Жар» стадиони. 14.00**
**Ўзбекистон — Таиланд**
**«Пахтакор» Марказий стадиони. 17.00**

**10 ноябрь**

**Таиланд — Гонконг.**
**«Жар» стадиони. 14.00**
**Ўзбекистон — Тожикистон**
**«Пахтакор» Марказий стадиони. 17.00**

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### Бошқотирма

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Бирор вазифани амалга ошириш учун кўриладиган тайёргарлик. 3. Шикастланган жойни даволаш усули. 5. Физиканинг жисмлар ҳаракатини ўрганадиган бўлими. 9. Суд ҳукмидан норози бўлиб, ишни қайта кўриш тўғрисида берилган ариза. 11. Рентген нурларидан сақланишда ишлатиладиган кимёвий элемент. 13. Жамиятнинг турли жиҳатлари ва уларга мос ҳолда юзага келган жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий муассасалари. 17. Дезинфекция қилишда ишлатиладиган ўткир ҳидли дори. 19. Суюқлик ўлчови бирлиги. 21. Йирик ҳарбий қисм бошлиғи.

**Энига:** 2. Транспорт воситасининг маълум йўналиш бўйича қатнови. 4. Киши ихтиёридаги бойлик. 10. Ҳинд аёллари либоси. 12. Сурат. 18. Пойабзалнинг нақшиндор бўртиги. 20. Санъат соҳаси.

**Бўйига:** 6. Енгил атлетика асбоби. 7. Томонлари тенг, бурчаклари тенг бўлмаган тўртбурчак. 8. Атоқли Ҳинд давлат ва жамоат арбоби. 14. Бўёқ модда. 15. Англияда дворянларнинг наслдан наслга ўтадиган унвони. 16. Сайилларда ўтадиган чавандозлик мусобақаси.

### Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Спорт кураши тури—1, 2, 11, 2, 12, 14.

2. Электр, металл асбоб—10, 2, 16, 7, 13, 6.

3. Улуғвор кўриниш, салобат—4, 3, 8, 13, 11.

4. Манзарали ўсимликдан тайёрланадиган ичимлик—15, 9, 6, 13, 5.

Энди очқич сўзлари асосида шакл айланаларидаги рақамларда яширинган инглиз файласуфи Франсис Бэкон ёзиб қолдирган ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 31 октябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 1. «Орзу». 3. «Халқ». 6. Ганг. 7. Ватт. 10. Купе. 11. Ориф. 13. Абай. 14. Инжу.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 2. «Пахтакор». 4. Штутгарт. 5. Мувaққат. 8. Мингўрик. 9. Таксофон. 12. Телетайп. 15. Фарғоний. 16. Кайковус.

**Шакл атрофига «занжир» ҳолида.** 17. Самарқанд. 18. Драматург. 19. Герб. 20. Бисквит. 21. Тўн. 22. Нейлон. 23. Нур. 24. «Рустам». 25. Марс. 26. Спартак. 27. Калтаминор. 28. Расм. 29. Мерос.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Рудакий. 2. Меҳнат. 3. «Юсуф. 4. Шарқ. 5. «Гулхан». 6. Сеҳр.

**Ҳикмат:** Халқнинг етуги сахий кишидир, сахийлик шараф келтиради.

**Аҳмад ЮГНАКИЙ.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-007. Топширилди 12.30 1 3456